

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АНТРОПОНИМЛАР

Сабоҳат Кенжаева

Қарши давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ишда Алишер Навоининг асарларида қўлланган тарихий антропонимлар – исмлар, тахаллуслар, лақаблар ҳақида фикрлар баён этилган. Мақолада ўзбек антропонимларининг лексик-семантик хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, ономастика, антропоним, сўз, тил, шоир, “Мажолис ун-нафоис”, тахаллус, лақаб.

КИРИШ

Туркий тиллар бадиий ономастикасига оид баъзи мулоҳазалар номшунос олимлар Т.Жанузақов, С.Атаниязов, Г.Саттаров, А.Шайхуллов, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Б.Бафоев, С.Қораев, Э.Бегматов, Х.Дониёровларнинг ишларида учрайди. Ономастикага бағишлиланган ишларнинг барчасида антропонимлар ҳақида ҳам сўз боради. Антропоним – грекча сўз бўлиб, antro – odam+onim, яъни кишиларга берилган атоқли отлардир[1,10].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Антропоним ономастиканинг лисоний бирлиги бўлиб, у ўз ичига аниқ бирликларни олади. Н.В.Подольская антропоним термини ҳақида фикр юритар экан, унинг таркибига исм, отчество, фамилия, лақаб, тахаллус, криптоним, андроним, гинеконим, патроним киришини қайд қилган [2,31]. Демак, антропонимика исмлар, лақаблар, тахаллуслар, фамилия ва отаисмларни тадқиқ қилувчи соҳа ҳисобланади.

Сўз мулкининг султони, буюк шоир, адиб, олим Алишер Навоий асарларидаги атоқли отлар ўзбек тарихий ономастикасининг таркибий қисми саналади. Шоир асарларидаги атоқли отларни ном англатган объектга кўра қўйидагича таснифлаш мумкин: Навоий асарларида учрайдиган шахс номлари – антропонимлар. Уларни икки гурухга бўлиш мумкин:

1. Ҳаётда яшаб ўтган шахслар номи: *Махмуд Газнавий, Амир Темур, Мирза Ҷучук, Ҳусайн Бойқаро, Амир Ҳусрав Дехлавий* ва б.

2. Ҳаётда мавжуд бўлмаган афсонавий номлар: *Вомиқ*, *Узро*, *Фарҳод*, *Ширин*, *Сомирий* ва б.

Навоий асарларида учраган антропонимларни қўйидагича гурухлаш мумкин: 1. Ислар. 2. Тахаллуслар. 3. Лақаблар. Тадқиқотчи Ш.Ёқубовнинг аниқлашича, Алишер Навоий асарларида 1103 дан ортиқ антропонимлар мавжуд [3, 6].

1. Ислар. Исларни ўз характерига кўра *тарихий*, *афсонавий*, *тўқималарга ажратиш* мумкин.

Алишер Навоий асарларида ўзи билан замондош бўлган тарихий шахсларнинг номларини кўплаб келтирган. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис” асарида 459 та шоирлар номи тилга олинган. Бу асарда шоирга замондош бўлган қўйидаги киши номларини кўриш мумкин: *Ҳусайн Бойқаро*, *Бадиузвазон*, *Музaffer Мирзо*, *Ҳадичабегим*, *Султон Абусаид*, *Мирзо Улугбек*, *Мавлоно Лутфий*, *Хожа Муҳаммад Порсо*, *Шарафиддин Али Язди*, *Бобо Ҳасан*, *Саккокий* ва б. Бу номлар тарихий шахсларга тегишли бўлиб, XV аср ўзбек тарихий ономастикаси учун бой материал бўлиб, ўша даврда кишиларни номлаш тартиби ҳақида ҳам маълумот беради.

А.Навоий асарларида афсонавий ва диний антропонимлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Афсонавий антропонимлар шоирнинг бадиий ва илмий асарларида учрайди. Бу каби антропонимлар хаёлий мавзуларни баён қилиш, баъзи диний мавзудаги асарларни ёзишда шоирга қўл келган. Шоир бундай номлардан “Хазойин ул-маоний”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарларида ўрни билан фойдаланган. Аммо “Хамса” асарида афсонавий антропонимлар кенг қўлланган. Жумладан, *Сомир*, *Аҳраман*, *Суҳайло*, *Нуҳ*, *Қорун*, *Билқис*, *Жамишид*, *Яъжуж*, *Исо*, *Дақёнус*, *Ҳорун* ва б.

Навоий асарларида учрайдиган антропонимларнинг катта қисмини бадиий тимсолларнинг номи ташкил этади. Бу антропонимларнинг кўпи шоир руҳий оламида ижод қилинган атоқли отлар хисобланади.

Навоий бадиий тимсолларга ном танлашда ўша жой ва халқ номига мос атоқли отлардан фойдаланишга эътибор қаратган. Арабистонда бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлаш учун арабча – *Саъд*, *Навдар*, *Меҳр*, *Нўъмон*, *Суҳайл*, *Жобир*; Ҳиндистонда бўлиб ўтган воқеаларни ҳиндча – *Жайпур*, *Жуна*, *Маллу*, *Кад*; Эрон (Ажам)даги воқеаларни тасвирлашда форс-тожикча – *Хисрав*, *Баҳром Гўр*, *Рустам*, *Равшанак*, *Доро*, *Фарруҳ*, *Гулчехра* сингари номлардан фойдаланган.

Навоий тимсолларга ном танлаганда унинг ёқимли, жозибадорлиги, жарангдорлигини ҳам ҳисобга олган. Шу сабабли баъзи тимсолларнинг исмлари реал мавжуд номларга яқин турувчи атоқли отлардан олинган: *Дилором, Дилосо, Дилоро, Гуландом, Суманбу, Сумансо, Паричехра, Паризод, Париваши, Парипайкар*[5, 255], *Мехинбону* [5,237], *Мехрноз ва б.*

2. Тахаллуслар. Ўзбек антропонимларининг номинатив бирликларидан бирини тахаллуслар ташкил этади. Тахаллуслар ҳам шахс исми – асосий номга нисбатан худди лақаб каби қўшимча номдир.

Ўзбек тилшунослик илми ва адабиётшунослигида тахаллусларни тўплаш ва ўрганишга оид олиб борилган тадқиқотларга ўзбек матбуоти сахифаларидан 430 тахаллусни тўплаган Т.Қораев [6, 54-58] ҳамда Ё.Исҳоқовнинг [7, 42-45] мақолаларини, Т.Қораев, Р.Вохидовларнинг “Тахаллуслар” китобини мисол қилиш мумкин. Шунингдек, тахаллуслар ҳақидаги баъзи маълумотлар “Номлар ва одамлар”, “Исмингизнинг маъноси нима?” [8, 14-15], “Номнома” каби асарларда учрайди.

Ўзбек тилшунослигида тахаллуслар алоҳида, маҳсус ўрганилган эмас. Профессор Э.Бегматовнинг “Ўзбек тили антропонимикаси” [9, 145-155] номли номзодлик диссертациясида тахаллусларни “Ўзбек ономастикасининг қўшимча номинатив категориялар” сарлавҳаси остида ўрганган.

ХУЛОСА

Тадқиқотчи Д.Анданиёзова[4,132]нинг аниқлашича, “Тилда тахаллусларнинг пайдо бўлишида муайян эҳтиёжлар сабаб бўлганлиги, жумладан, фельетон ва танқидий мақола муаллифи ўз исм ва фамилиясини ошкор қилмасликка интилиши, бу орқали маълум ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий қарашларни ким ёзганини сир тутиши, шунингдек, ўхшаш исм, фамилияларнинг қўплиги, айниқса, ижодкорлар учун тахаллус танлашга сабаб бўлган”. Лугатларда ҳам тахаллусга шу маъно касб этган изоҳлар берилганини кўриш мумкин: “*Tахаллус* арабча сўз бўлиб, ҳалос бўлиш ва қутулиш маъносини беради” [10, 601].

Ш.Ёқубовнинг тадқиқотида А.Навоий асарларидаги тахаллуслар яшаш жойи, касб-кори, мазҳаби, сайёralар номи, ўсимлик номлари ва бошқаларга нисбат берилган тахаллуслар 11 гурухга бўлиб ўрганилган [3, 6-7].

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида баъзи тахаллусларга қўйидагича изоҳ берган:

Муфлисий XV асрда яшаган ўзбек шоири, тахаллус шоирнинг ижтимоий аҳволига ишора қиласи [11, 312]. *Мавлоно Кавкабий*: “Мунажжим йигит дуур ва ўз фанига муносиб тахаллус ихтиёр қилибдур” [11, 400]. *Саккокий*: пичоқчи бўлган, пичоқ ясаш билан шуғулланган, саккок – пичоқ маъносидадур [13, 588]. *Мавлоно Жомий* “Райҳоний тахаллус қилур эрди... муносабати или анга Жомий тахаллуси буюрилди. Шайхзодалардантур, тахаллуси ҳам анга далолат қилур” [11, 351]. Зулолий: “Зихни сарчашмасидин назми зулоли софи зоҳир бўлур жиҳатдин анга Зулолий тахаллус топилди” [11, 351]. *Малик*: “Ўзин Малик-Равзон авлодидан тутар жиҳатин Малик тахаллус қилур” [11, 353]. *Бу-Али*: Девонавор юрур, девона бўлмаса эрди “Бу-Али” тахаллус қилмас эрди [11, 363].

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида *Мавлоно Яхъё Себак* [11, 297], *Мавлоно Замоний* [11, 359], *Мавлоно Ҳусайн Вонз – Кошифий* [11, 378] ва бошқа кўплаб тахаллуслар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

3. Лақаблар. Навоий асарларида Юсуфи Канъон, Билқиси Соний, Мажнун, Дорои замон, Расулуллоҳ, Рухуллоҳ, Хотам Тойи, Муҳаммад Барлос ва бошқа шу каби лақаблар кўплаб учрайди. Ш.Ёқубов уларни ҳам 7 та гуруҳга бўлиб таҳлил қилган.

Булардан кўринадики, Алишер Навоий асарлари ономастика ва бошқа соҳалар учун қимматли маълумотлар манбаи ҳисобланади.

REFERENCES

1. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент, 2013. – Б.81.
2. Н.В.Подольская. Словарь русской ономастической терминологии. –С.31.
3. Ёқубов Ш. “Навоий асарлари ономастикаси”. Номзодлик дисс... автореф. – Тошкент: 1994. – Б.26
4. Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Тошкент, 2017. – Б.132.
5. А.Навоий. Ҳамса. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент, 1960.
6. Қораев Т. Адабий тахаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – №1. – Б.54-58.
7. Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва Навоий тахаллусли шоирлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1968. – №1. – Б.42-45.
8. Менажиев Я. ва бошқ. Исламизмнинг маъноси нима? – Тошкент: Фан, 1968.

9. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси / Номзодлик дисс... – Тошкент, 1965.
10. Шамсиев П., Иброхимов С. Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972. – Б.601.
11. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд. Мажолис уннафоис. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2013.
12. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. – Тошкент, 1959. – Б.588.
13. Бегматов Э. Номлар ва одамлар. – Тошкент: Фан, 1966
14. Абдуллаев Ф. Номнома. – Душанбе, 1972.
15. Қораев Т., Воҳидов В. Тахаллуслар. – Тошкент: Фан, 1979. 6-7-бетлар.